
Бешариқ туманида навбатдаги туман Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишни туман ҳокими Р.Жўраев очиб берди.

Бунда 7 ой давомида ижтимоий ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилган маънавий - маърифий тадбирлар, тарғибот ишлари, ҳамкор ташкилотлар билан қилинган йўл ҳаритаси ижроси ҳамда аниқланган камчиликлар юзасидан танқидий-таҳлилий масалалар кўриб чиқилди.

Република миқёсида ўтказиладиган "Энг намунали туман, шаҳар кўрик танлови" юзасидан тумандаги ўзрганишлар, янги ўқув йилининг Мустақиллик дарсига тайёргарлик жараёнларини тўлақонли ташкил этилиши ҳақида республика ишчи гуруҳи раҳбари А.Маврулов гапириб ўтди.

Вилоят ҳокими ўринбосари Ф.Қосимов кейинги чоракда кенгаш томонидан қилинадиган ишлар юзасидан ўз фикр ва таклифларини бериб ўтди.

Йиғилишда туман ҳокими ўринбосарлари, мутасадди ташкилот раҳбарлари, маҳалла бешлиги ҳамда мактаб директорлари иштирок этди.

2023-08-21 09:17:38